


**«ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ,
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАЪМИНОТИ
УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ»
МАВЗУСИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ–ТЕХНИК
АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ
2016 йил 2-3 декабрь**



ФАРҒОНА-2016

<i>Фаргона политехника институти</i>	50
ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПОРТИРОВКИ ВЫСОКОВЯЗКИХ МЕСТНЫХ НЕФТЕЙ	51
Мамадалиева С.В., Ибрагимов А.А.	51
<i>Ферганский политехнический институт</i>	51
ЧУҚУР ТЕШИКЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШДА ДОРНАЛАШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ	52
асс. Абдуллаев Ш.М.	52
<i>Фаргона Политехника Институту</i>	52
VII ШҮҒБА	54
КИМЁ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ КИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ҲАМДА ҚАЙТА ИШЛАШДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОРЛИК МУАММОЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ	54
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ	54
Боқиев А.А., т.ф.н., Шоюсупов Ш.А., ф-м.ф.н., Нуралиева Н.А. магистр.	54
<i>Тошкент ирригацрия ва мелиорация институту. "Электротехника ва электр юритма"</i> <i>кафедраси</i>	54
ФОТОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ ХЛОПКОВЫХ ВОЛОКОН	56
Мамадалимов А.Т., Тураев Б.Э.*, Мамаева Д.А.*, Тураев Э.Ю.**	56
<i>Национальный университет Узбекистана им.М.Улугбека</i>	56
<i>Ташкентский институт текстильных и легких промышленности*</i>	56
<i>Термезский государственный университет**</i>	56
ОСОБЕННОСТИ УТИЛИЗАЦИИ ПОПУТНОГО ГАЗА НА МЕСТОРОЖДЕНИИ	58
к.ф.н., Асадова Х.Б., студент Сафаров С.С.	58
ИФФ (Блок Нефти и газа)	58
<i>Ташкентский Государственный Технический Университет</i>	58
ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЕ УЛЬТРАФИОЛЕТОВОГО ОБЛУЧЕНИЯ НА ЭЛЕКТРОПРОВОДНОСТЬ ХЛОПКОВЫХ ВОЛОКОН	60
Тураев Б.Э., Мамаева Д.А., Тураев Э.Ю.,* Турдиев У.**	60
<i>Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности</i>	60
<i>Термезский государственный университет*</i>	60
<i>Каршинский государственный университет**</i>	60
ЛИТЕРАТУРА	61
ОСОБЕННОСТИ ПРОЦЕССОВ ПЕРЕКАЧКИ ЖИДКОСТИ	61
ЦЕНТРОБЕЖНЫМИ НАСОСАМИ	61
Усмонов Ш.Ю., Кучкарова Д.Т., Пулатов З.З.	61
<i>Ферганский Политехнический Институт</i>	61
ПОЛУЧЕНИЕ ХЛОРАТ КАЛЬЦИЙ-МАГНИЕВОГО ДЕФОЛИАНТА ИЗ ДОЛОМИТА	63
Хамракулов З. А., Хамракулова Х. А.	63
ФЕРМЕР ХҲЖАЛИКЛАРИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИДА МЕЪЁР ВА ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИ	65
Боқиев А.А., Деммухаммадиев А.М., Султонов С.С.	65
<i>Тошкент ирригацрия ва мелиорация институту</i>	65
ИССИҚХОНАЛАРДА ЕР ОСТИ ИССИҚЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОРЛИГИГА ЭРИШИШ	66
Ўктамжонов Ш.Ў., Ўринов Э.	66
<i>Тошкент Ахборот Технологиялари Университети Фаргона филиали</i>	66
ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССА БОКОВОГО СХОДА ЛЕНТЫ В ПЕРЕГРУЖАТЕЛЯ ХЛОПКА-СЫРЦАС ЭЛАСТИЧНОМ ЭЛЕМЕНТОМ НАТЯЖНОГО РОЛИКА	68

VI ШУЪБА

КИМЁ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ҲАМДА ҚАЙТА ИШЛАШДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОРЛИК МУАММОЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ

Боқиев А.А., т.ф.н., Шоюсупов Ш.А., ф-м.ф.н., Нуралиева Н.А. магистр.
Тошкент ирригация ва мелиорация институти. "Электротехника ва электр юритма"
кафедраси.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг агросаноат мажмуига муқобил энергия манбаларини жорий этишда уларни республикага мос русумларини танлаш мезонларини аниқлаш, хавфсизлик, ишончлик ва тегишли меъёрий-техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мос келишини тасдиқловчи тажрибаларни хўжалик шароитларида ўтказиш услубиятини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар олиб борилиши муҳимлиги баён этилган.

Аннотация

В статье приведены обоснования о необходимости проведения исследований по разработке методики для определения критерии выбора альтернативных источников энергии, проведению подтверждающих испытаний в хозяйственных условиях их безопасности, надежности и соответствии требованиям нормативно-технических документов при внедрении в агропромышленный комплекс Республики Узбекистан.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва ривожини белгилайдиган мезонлардан бири – унинг энергия манбалари билан кафолатли таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Маълумки, дунёда органик энергия манбалари тобора камайиб, тугаб бормоқда, шу сабабли дунё иқтисодиётида мавжуд энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муқобил энергия манбаларини кенг миқёсда қўллаш тобора оммалашиб бормоқда. Бу муаммо, ижтимоий, экологик ва сиёсий муаммолар билан чамбарчас боғланиб кетган, шунинг учун энергетика, дунё иқтисодиёти ривожланишини аниқлайдиган муҳим факторлардан бири бўлиб қолди.

XXI аср бошига келиб дунё энергия истеъмоли таркибининг 90% га яқинини асосан ер ости қазилма бойликлари ташкил этмоқда.



Аммо, бундай энергия манбаларининг захиралари чекланганлиги, экологияга салбий таъсири каби ҳолатлар, инсониятни келажакда қайта тикланувчи, экологик тоза энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланишга ундамоқда.

Бу борада XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида Испания, АҚШ, Дания, Ҳиндистон, Голландия, Италия, Япония, Буюк Британия ва Хитой каби қатор мамлакатларда сезиларли натижаларга эришилди.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида шамол энергиясидан фойдаланишда Германия етакчи ўрин тутмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатда сайёрамизда ишлаб чиқарилаётган шундай энергиянинг қарийб 36,3 % олинмоқда. Бу Германия умумий энергия истеъмолининг тахминан 5,6 %ни ташкил этади.

Европа иттифоқи давлатлари муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб ўтаюқори қувватли электрузатиш магистраллари тизимини яратиш учун бирлашмоқда. У кўплаб куёш батареялар панели жойлашган, Шотландия қирғоқларининг шимолидаги Германия ҳудуди томонидан шамол билан ҳаракатланадиган турбиналарни бирлаштиради, шунингдек, Бельгия ва Дания қирғоқларига уриладиган тўлқинлар қуввати ва Норвегия фьордларидаги ГЭСларда ишлаб чиқиладиган қувват билан бирлашади.


ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ
МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИДАГИ УЛУШИ



Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган тадбирлар.

Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасида экинларни экиб, етиштиришнинг илмий асосланган технологиялари доимий такомиллаштирилиб келинмоқда. Ўрнатилан тартибга кўра аграр соҳада ўтказиладиган ҳар бир агротехник тадбир, бунда қўлланиладиган препаратлар, техник восита ва қурилмалар белгиланган тартибда хавфсизлик, ишонччилик ва тегишли меъёрий-техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мос келишини тасдиқловчи тажрибалардан ўтказилгачгина ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Германияда электр энергия ишлаб чиқаришда қайта
тикланувчи энергия манбаларининг улуши



Кейинги йилларда дунёда, хусусан республикамызда муқобил энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланишни жорий этишга қаратилган дастурлар қабул қилиниб, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. Айниқса аграр соҳада кичик оқар сув манбалари, шамол, куёш ва турли органик чиқиндилардан энергия олиш алоҳида ахамият касб этмоқда.

Агросаноат мажмуида муқобил энергия манбаларини жорий этишнинг меъёрий-техник таъминоти масалаларини ҳал этиш бўйича республикамызнинг барча

алоқадор вазирлик, муассаса ва корхоналари томонидан тегишли дастурлар қабул қилиниб, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлари олиб борилмоқда. “Ўзбекистон республикаси аграр соҳа тизими учун, турли ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилаётган муқобил энергия манбаларини қўллаш ва уларга тегишли сервис хизматлари кўрсатишнинг меъёрий-техник таъминотини шакллантириш” мавзусидаги тадқиқот ишлари шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳа қайта тикланувчи энергия манбаларини республикага мос русумларини танлаш мезонлари, уларнинг хавфсизлик, ишонччилик ва тегишли меъёрий-техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мос келишини тасдиқловчи тажрибаларни ҳўжалик шароитларида ўтказиш услубиятларини ишлаб чиқишни кўзда тутган.

Ҳозирда бу борада республикамызда тегишли меъёрий-техник ҳужжатларни етишмаслиги оқибатида айрим ҳолларда республикамыз ҳудудларининг табиий-иқлим шароитига мос келмайдиган, хавфсизлик ва ишонччилик талабларига тўла жавоб бермайдиган муқобил энергия манбаларининг кириб келишига шароит яратилмоқда.

Шу сабадан қишлоқ хўжалик истеъмолчиларининг энергиятаъминоти ишончилигини орттириш мақсадида муқобил энергия манбаларини танлаш ва синаш услубиятларини ишлаб чиқиш бутунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг агросаноат мажмуига муқобил энергия манбаларини жорий этишда уларни ҳудудларга мос русумларини танлаш мезонларини аниқлаш, хавфсизлик, ишончилик ва тегишли меъёрий-техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мос келишини тасдиқловчи синов тажрибаларини хўжалик шароитларида ўтказиш услубиятини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

2. Муқобил энергия манбаларини жорий этиш ташкилий, технологик ва молиявий тадбирларни ўз ичига олган яхлит тизим асосида амалга оширилиши технологик ва иқтисодий жиҳатдан самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” № ПФ-4512 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.
2. Всемирная программа по Солнечной энергии. 2010-2020гг. Всемирная комиссия по солнечной энергии. 2013 г.
3. Раджабов А., Эргашева Г., Зокиров А., Агроинженерияда энергия тежамкорликнинг илмий методологик асослари. “Агроинженерияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интерацияси”. Республика илмий-амал. конф. материал. Тошкент ТошДАУ 2007.-182-187 б.
4. luutp@uzsci.net (WWW.fti.fan.uz)

ФОТОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ ХЛОПКОВЫХ ВОЛОКОН

Мамадалимов А.Т., Тураев Б.Э.*, Мамаева Д.А.*, Тураев Э.Ю.**

Национальный университет Узбекистана им.М.Улугбека

*Ташкентский институт текстильных и легких промышленности**

*Термезский государственный университет***

В настоящее время активно ведутся работы по агротехнике хлопчатника, выведению новых болезнеустойчивых, с улучшенными техническими данными сортов хлопка. Хлопку посвящено огромное количество фундаментальных исследований в области биологии, агротехники, химии, физикохимии. Однако, до последнего времени отсутствуют обобщающие работы по исследованию комплексных физических свойств хлопка. Кроме того, обнаружено, что хлопковое волокно (ХВ) обладает свойствами полупроводника. Это в принципе позволяет создавать на основе ХВ элементы электроники. Зрелые хлопковые волокна (ХВ) состоят 92–98 % состоят из целлюлозы и являются природными наноструктурами. Рентгенографические исследования целлюлозы показали, что в ХВ имеются области с упорядоченным расположением молекул («кристаллы») и аморфные области, размеры которых имеют порядок 5–60 нм.

До последнего времени спектры фотолюминесценции (ФЛ) различных сортов хлопка практически не были исследованы. Изучение же спектров ФЛ хлопковой целлюлозы не полной мере отражает особенности строения этого полимера в структуре хлопка из-за возможных воздействий в процессе выделения целлюлозы. Помимо этого, изучение спектров ФЛ хлопка представляет самостоятельный интерес в целях разработки избирательных и объективных методов его тонкого структурного анализа.

В данной работе изучены спектральные и временные характеристики ФЛ ХВ при возбуждении импульсно–периодическом УФ ($\lambda=255,3$ нм) лазерным излучением.

Регистрация спектров ФЛ проводилась по схеме, детально описанной ранее в работах. Излучение от лазера на парах меди (ЛПМ), фокусируется длиннофокусной

1. Жидкий хлорат магниевый дефолиант. Технические условия. TSh. 88.16–34. 2010.– 10 с.
2. Хамракулов З.А., Тухтаев С., Таджиев С.М., Аскарлова М.К. Кинетика разложения доломита Кашкадарьинского месторождения соляной кислотой //Узбекский химический журнал. – Ташкент, 2011. – Спецвыпуск. – С. 150–153.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИДА МЕЪЁР ВА ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИ

Боқиев А.А., Деммухаммадиев А.М., Султонов С.С.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти

Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат мажмуи(АСМ)да олиб борилаётган ислохотлар соҳага замонавий, энергиятежамкор технология ва жиҳозларни жорий эта бориб, маҳсулот ва хизматларнинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун эса АСМда (уруғчилик, маҳсулот етиштиришдаги агротехник жараёнлар, қайта ишлаш, сақлаш, сервис хизматлари) электр энергия истеъмоли меъёрлари республика ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиши ва даврий тарзда такомиллаштириб борилиши зарур.


Бундай меъёрларни замон талаблари даражасида яратилиши учун эса истеъмолчиларнинг режим кўрсаткичлари, электр истеъмолига таъсир килувчи техник, технологик, ташкилий омиллар ва улар орасидаги боғлиқликлар тадқиқ қилиниб электр энергияси меъёрларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган услублари давлат стандарти даражасида яратилиши талаб этилади. Бунда аввало “Аграр соҳада электр энергия истеъмоли билан боғлиқ жараёнларнинг термин ва атамалари” стандарти яратилиши шарт. Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази, “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, Ўз.Р.ФА ва ЎзҚХИИЧМ тизимидаги тегишли ИТИларининг ҳамкорлиги ушбу тадқиқотларнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги. Аграр соҳада бир бирлик маҳсулот учун сарфланадиган электр энергия сарфини аниқлашда асосий факторларни шакллантириб, агротехнологик жараёнларни турли табиий-иқлим шароитларида бажаришда қўлланиладиган электр жиҳозлари солиштирма қувватларининг аналитик боғланиш кўрсаткичларини қўллаган ҳолда бажариладиган иш турларининг умумлаштирилган реестрини асослаш.

Фермер хўжаликлари учун электр истеъмоли лимитларини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда монополь ҳолда ҳудудлардаги туман электр тармоқлари корхоналари томонидан амалага оширилмоқда.

Бир томондан қаралганда бундай шароитда электр энергия етказиб берувчи томонидан биринчи навбатда ўзининг манфаатларини тўла ҳисобга олиб, фермер хўжалиги манфаатларини тўла акс эттирмаган шартнома тузилмайди деб ҳеч ким қафолат бермайди. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, уни истеъмолчиларга етказиб бериш ривожланиб боргани билан, истеъмолчининг электр энергиясидан фойдаланиш меъёрлари тегишли меъёрий-техник ҳужжатлар билан белгиланмасдан, улар томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этилиши таъминланмас экан аграр соҳада энергиясамарадорликни таъминлаб булмайди. Бунинг учун авваламбор аграр соҳа истеъмолчилари (фермер хўжаликлари, бошқа тадбиркорлик субъектлари, аҳоли хонадонлари) томонидан фойдаланилаётган тегишли электр жиҳозларини конструктив мукамаллаштириб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда электр энергиясидан фойдаланиш меъёрлари доимий тарзда такомиллаштириб борилиши таъминланиши талаб этилади.

Жумладан, чорвачилик йўналишида электр энергияси истеъмоли меъёрларини ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига таққослаш мумкин, масалан, бир тонна гўшт, сут ёки қорамол боши, парранда сонига. Аммо бунда меъёрлар чорвачилик ёки паррандачилик фермаларининг электромеханизациялашганлик даражасидаги фарқларни акс эттирмайди. Чунки электромеханизациялашганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, энергия сарфи ҳам шунга яраша бўлади. Бироқ ушбу сарфлар тегишли меҳнат сарфини бир неча мартаба қисқаришини таъминлайди. Шу сабабли чорвачилик ва паррандачиликда электр энергияси истеъмоли меъёрларини ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига эмас, балки қорамоллар ва паррандалар сонига қараб белгиланиши мақсадга мувофиқ.



Бироқ АСМда қўлланилаётган айрим электр жиҳозларининг хавфсизлик, ишонччилик ва тегишли меъёрий-техник хужжатларда кўрсатилган параметрларига мос келувчи электр энергияси истеъмоли меъёрлари кўрсаткичлари ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Бунинг оқибатида республикаимиз аграр соҳасига худудларнинг табиий-иқлим шароитига мос келмайдиган, хавфсизлик ва ишонччилик талабларига тўла жавоб бермайдиган электр жиҳозларининг кириб келишига шароит яратилмоқда.

Бунинг олдини олишда жойларда тегишли мутахассис олимлар томонидан аграр соҳа истеъмолчилари учун энергия истеъмоли меъёрлари, электр жиҳозларининг хавфсизлик, ишонччилик ва тегишли меъёрий-техник хужжатлари ҳақида қўлланмалар тайёрланиб, ўқув-семинарлар ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу лойиҳанинг республика худудда жорий этилиши аграр соҳада электр энергиясидан янада самарали фойдаланиш шароитларини яратиб, соҳада энергиятежамкорлик даражасини орттиришига олиб келади. Бу ўз навбатида мавжуд меҳнат, энергия ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Мамлакатимиз аграр соҳасига сифат жиҳатидан янги техника ва технологиялар кириб келишига қулай шароитлар яратади.

ИССИҚХОНАЛАРДА ЕР ОСТИ ИССИҚЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИГА ЭРИШИШ

Ўқтамжонов Ш.Ў., Ҳринов Э.

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети Фарғона филиали

Геотермал иситиш тизимига эга иссиқхоналарда ер ости иссиқлигидан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ва сувнинг иссиқлиги билан қиздириладиган иссиқлик аккумуляция қилувчи тизимнинг иссиқлик–техникавий ҳисоби